

## ЁЎЗА НАВИНИНГ ГУЛЛАШИГА ЭКИШ УСУЛИ ВА ТУП СОН ҚАЛИНЛИГНИ ТАЪСИРИ

**M.Q.Eshmurodova**

Samarqand davlat veterinariya Meditsinasi chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti katta  
o'qituvchisi

**Madina Mirzakarimova Ithomjon qizi**

2-bosqich talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7317703>

**Аннотация.** Пахтачиликда суғориладиган майдон тупроқларининг унумдорлигини ва екинлар ҳосилдорлигини ошириш, серхосил, ертапишар, бозорталаб, рақобатбардош, саноат талабларига жавоб бераоладиган навларни яратиш ва уларни тупроқ иқлим шароитларига мос агротехнологиясини мукамал ишлаб чиқиш ва уни амалага тадбиқ этиш тезкор сураатларда ривожланаётган даврнинг кечиктириб бўлмас талабидир.

**Калит сўзлар:** туп сон қалинлиги, бўз тупроқ, ресурстежамкор технология, қўшқатор, бактериял, коэффициент, замбуруғ.

## ВЛИЯНИЕ СПОСОБА ПОСАДКИ И ТОЛЩИНЫ СТЕБЛОВ НА ЦВЕТЕНИЕ СОРТОВ ХЛОПКА

**Аннотация.** Повышение продуктивности почв орошаемых полей и продуктивности посевов хлопчатника, создание высокоурожайных, скороспелых, товарных, конкурентноспособных и технических сортов, способных удовлетворить потребности отрасли, совершенная разработка и внедрение агротехник, подходящая для почвенно-климатических условий является насущным требованием бурно развивающейся эпохи.

**Ключевые слова:** Серозем, ресурсберегающей технологии междурядной, бактериял, коэффициент, грибови.

## THE EFFECT OF PLANTING METHOD AND STEM THICKNESS ON FLOWERING OF COTTON VARIETIES

**Abstract.** Increasing the productivity of soils in irrigated fields and the productivity of cotton crops, the creation of high-yielding, earlyripening, commercial, competitive and technical varieties that can meet the needs of the industry, the perfect and implementation of agricultural technology suitable for soil and climatic conditions, is an urgent requirement of a rapidly developing era.

**Key words:** gray soil, resource-saving technologies, inter-row, bacterial, fungal.

Республикамызда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларида ҳам пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига умумий ялпи маҳсулот етиштириш ҳажмини камайтирмаслик кўзда тутилган. мавжуд ёўза экиладиган майдонлардан белгиланган ҳажмдаги ҳосилни олиш учун пахта ҳосилдорлигини камида 15-16% га ошириш лозим. Республикамыз пахтачилигини кенг кўламда ривожлантириш масаласида илғор фан техника ютуқлари ва инновацион технологияларни тадбиқ этиш , мавжуд суғориладиган майдонларни унумдорлигини сақлаган холда ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир.[3]

Пахтачиликда суғориладиган майдон тупроқларининг унумдорлигини ва екинлар ҳосилдорлигини ошириш, серхосил, ертапишар, бозорталаб, рақобатбардош, саноат талабларига жавоб бераоладиган навларни яратиш ва уларни тупроқ иқлим шароитларига

мос агротехнологиясини мукамал ишлаб чиқиш ва уни амалага тадбиқ этиш тезкор суратларда ривожланаётган даврнинг кечиктириб бўлмас талабидир.[1]

Ушбу талабларни бажариш ва сифатли пахта ҳосили этиштириш еса юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бера оладиган янги ғўза навларини яратиш ва уларни екиш режалаштирилаётган муаян тупроқ шароитига мос агротехникасини ишлаб чиқиш устида илмий тадқиқот ишларини мунтазам кучайтириш ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиб боришни тақозо этади. [1]

Республиканинг турли тупроқ-иқлим, гидрогеологик ва мелиоратив минтақалари учун яратилган ҳар хил, ноқулай шароитларга чидамли, қимматли хўжалик белгиларини намоён этадиган, толасининг технологик

сифат кўрсаткичлари юқори, серҳосил навларни танлаш ҳамда парваришлашнинг мақбул агротехнологияларини тадбиқ этиш бўйича айни вақтда кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи-назардан ғўзанинг янги навларини этиштиришнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос агротехнологиялари, жумладан, маъданли ўғитлар билан озиклантириш, суғориш тартиби, экиш муддатлари ва тизими ҳамда мақбул кўчат қалинликларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар ишлари олиб борилмоқда.[2]

Ўза навларининг ўсиши, ривожланиши, гуллаши ва ҳосил тўплаш жараёнларига чигит экиш усуллари, туп қалинликлари ва маъданли ўғитларни қўллаш меъёрлари ўзига хос таъсирини ўрганиш мақсадида Самарқанд вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари ва ғўзанинг ўрта толали «Омад» нави танлаб олинди.

Илмий тадқиқот иши Самарқанд вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кўш қаторлаб экишни кам ўрганилганлиги эътиборга олиб, ресурс тежовчи агротехнологияларни эътиборга олган ҳолда гектарига 150-160; 170-180; 190-200; 210-220 минг туп сон миқдорини яратишдир. Барча агротехнологик жараёнлар хўжаликда қабул қилинган режа асосида бажариб борилди.


Ўза чигитларини пушталарга кўшқатор усулда экилиши ниҳолни эрта униб чиқишига ва амал даври давомида ўсимликларни жадал ўсиб ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Шу сабабли тажрибамизнинг пушталарга кўшқатор чигит экилган, вариантларида ғўзаларни гуллаш жараёни ҳам текис ерга оддий қатор ёки текис ерга кўшқатор экилган вариантларига нисбатан эрта бошланди. Бундан ташқари, тегишли туп сон қалинликлари ҳам ғўзанинг гуллаш жараёнларига ўзига хос тарзда таъсирини кўрсатди. Жумладан, чигитлар пушталарга кўшқатор усулида экилиб, гектарига 170-180 минг туп сон қолдирилиб парваришланган вариантларда чигит униб чиққандан 40-43 кундан кейин, назорат вариантлардан (1 ва 8-вариантлар) 10-12 кун олдин, яъни 12-13 июн кунлари ғўзанинг дастлабки гуллаши бошланганлиги кузатилди. Амал даврининг 20 июн кунли олиб борилган фенологик кузатувлардан олинган натижаларга кўра, худди шу вариантлардаги ўсимликларнинг 60,3-65,6 % гуллаганлиги аниқланди

Амал даврининг 22-23 июнь кунига келиб чигитлар пушталарга кўшқатор усулда экилган вариантларда ўсимликлар амал даврининг 52-56 кунларида 100% гуллаганлиги кузатилди. Чигитлар яқка қатор усулида экилган вариантларда эса ушбу муддатда ўтказилган фенологик кузатувлар мавжуд ўсимликларнинг 46,5-51,3% гуллаганлигини кўрсатди. Чигитлар яқка қатор усулида экилган вариантларда қатор оралиғида ишлов бериш кенглиги, пушталардаги ўсимликларнинг озуқа ва сув билан етарли даражада таъминланганлиги ва бошқа шунга ўхшаш омилларнинг таъсирида ўсимликлар эркин

ўсиб ривожланди. Натижада ҳосил шоналарининг нисбатан кўпайиши ҳисобига чигитлар пуштага қўшқатор усулида экилган вариантлардаги ўсимликларга нисбатан ғўза 3-4 кунга кечроқ гуллаганлигини гувоҳи бўлдик. Бу вариантларда гуллаш жараёни 27 июнгача давом этиб, 57-58 кунда 100% гуллаганлиги аниқланди.

Ғўза чигитлари ҳар иккала усулда текис ерга экилган иккала назорат вариантларда (1 ва 8-вариантлар) ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра, гуллаш жараёни чигитлар пушталарга қўшқатор қилиб экилган вариантларга нисбатан қарийб 7-10 кунга кечикди.

Гуллаш жараёни чигитлар кузги пушталарга қўшқатор экилган вариантларда 12-13 июнда дастлабки гул кўринган бўлса, назорат вариантларда дастлабки гуллар 20-22 июн кунлари кўринди. Ўсиш ва ривожланишдан 7-10 кун орқада қолган мазкур вариантларда ўсимликлар 29-30 июн кунларига келиб, яъни 59-60 кунда 100% гуллаш босқичига ўтганлиги кузатилди. Шу сабабли назорат вариантларидаги ўсимликлар мақбул шароитларда ўсиб ривожланган бўлсада, кўсакларнинг шаклланиши кечикиб пахта ҳосили кечроқ пишишиб етилишига сабабчи бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш жойизки, чигитлар ҳар иккала экиш усулларида экилган, тегишли туп сон қолдирилган ва маъданли ўғитлар билан меъёрларида озиклантирилган вариантлар ўзаро таққосланганда чигитлар пуштага яқка қатор усулида экилиб, гектарига 136,3 ва 137,7 минг туп кўчат қалинлиги сақланган холда 4 ва 7-вариантдаги ғўзанинг гуллаш жараёни кечроқ муддатда бошланганлиги кузатилди, назорат Чигитлар қўшқатор экилган вариантларда пушталардаги қулай тупроқ намлиги ва муҳитининг таъсирида ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши эрта бошланганлиги сабабли эртаки пахта ҳосили етиштирилди.



### Омад ғўза навининг гуллашига экиш усули ва туп сон қалинлигининг таъсири.

Таъкидлаш керакки 2019-2021 йиллардаги тажриба натижаларига кўра, ғўзанинг

ўсиш ва ривожланишидаги ўзаро фарқлар чигит экиш усулларига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тадқиқот йилларида чигит экиш усуллари ва ҳар хил туп сон қалинликлари Омад ғўза навини гуллаш жараёнларига турлича таъсир этиши аниқланди. Чигитларни пушталарга қўшқатор усулида экиб, гектарига 170-180 минг туп кўчат қолдирилган вариантлардаги ўсимликлар чигитлар текис ерга ҳар иккала усулда экилган назорат вариантларига нисбатан 8-10 кун, чигитлар пуштага яқка қатор усулида экилган вариантларга нисбатан эса 3-4 кун эрта гуллаганлиги кузатилди.

## REFERENCES

1. Авлиёкулов А.Э., Тожиев М., Тожиев Қ., Ғўзани ўсиш ва ривожланиши ва ҳосил тўплашига озиқа-сув меъёрларининг таъсири. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига сув ва ресурс тежовчи агротехнологиялар. // ЎзПТИ мақолалар тўплами. Тошкент, 2008 й, 274-284 бет.
2. Хайдаров Н. Пуштага экилган ғўза қатор ораларига ишлов бериш тупроқнинг ишлаш ва алмашлаб экиш. // СоюзНИХИ мақолалар тўплами. Тошкент -1992, 31-36 бет.
3. Ҳасанов М, Абдуллаев Ш. Ғўзанинг ўрта толали “Оқдарё-6” навини сув ва озиқлантириш тартиби ҳамда кўчат қалинлиги // Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолари. Тошкент-2004 йил. 124-125-бет.